

# Ислом динига кириш

## Муҳаммад ибн Солих Ал-Усаймийн

<https://islamhouse.com/۱۳۴>

- [Ислом динига кириш](#)
  - [Биринчи бўлим](#)
    - [Кириш](#)
  - [Иккинчи бўлим](#)
    - [ИСЛОМ... Нима учун?](#)  
[Ким учун? Ва қачон?](#)  
[Нима учун Исломни](#)  
[танлаймиз?](#)
    - [Ислом кимлар учун?](#)
    - [Исломга қачон кириш](#)  
[керак?](#)

- Учинчи бўлим
  - Буюк сафар
- Тўртинчи бўлим
  - Мусулмонлигингни кандай эълон қиласиз?
- Бешинчи бўлим
  - Ислом дини нима?
- Олтинчи бўлим
  - Аллоҳга иймон келтириш
- Еттинчи бўлим
  - Фаришталарга иймон келтириш
- Саккизинчи бўлим
  - Самовий китобларга иймон келтириш
- Тўккизинчи бўлим

- Пайгамбарларга иймон келтириш
- Ўнинчи бўлим
  - Охират кунига иймон келтириш
- Ўн биринчи бўлим
  - Ибодатлар – диний амаллар
- Ўн иккинчи бўлим
  - Икки шаҳодат
- Ўн учинчи бўлим
  - Намоз
- Ўн тўртинчи бўлим
  - Таҳорат
- Ўн бешинчи бўлим
  - Намозни қандай адо этасиз?

- Нима учун намоз ўқиймиз?
- Ўн олтинчи бўлим
  - Закот
  - Нима учун закот берамиз?
- Ўн еттинчи бўлим
  - Рўза
  - Нима учун Рамазонда рўза тутамиз?
- Ўн саккизинчи бўлим
  - Хаж
  - Нима учун хаж киламиз?
- Ўн тўққизинчи бўлим
  - Исломингизни қандай ривожлантирасиз?
- Йигирманчи бўлим

- Исломингизни қандай саклайсиз?
- Йигирма биринчи бўлим
  - Бошкаларни Исломга қандай чакирасиз?
- Йигирма иккинчи бўлим
  - Харом қилинган нарсалар
  - Биринчи: Харом қилинган таомлар.
  - Иккинчи: Харом қилинган ишлар.
- Йигирма учинчи бўлим
  - Аллохнинг валийлари («Валийюллох»лар)
- Йигирма тўртинчи бўлим
  - Исломий одоб-ахлоқлар
- Йигирма бешинчи бўлим

- [Дуо ва зикрлар](#)
- [Йигирма олтинчи бўлим](#)
  - [Муслима аёл](#)

## [Ислом динига кириш](#)

### [Биринчи бўлим](#)

#### [Кириш](#)

Атрофингизни ўраб турган ер юзидаги тоғу-тош, хайвонот, ўсимлик, кушлар ва хашаротлар оламига назар ташланг. Уларнинг хаётини саклаб бошқариб турувчи ўта хам нозик конунларни кўряпсизми?

Бошингиз узра осмонда сайр этаётган куёш, ой, юлдуз, булутлар

ва шамолларга эътибор беринг.  
Буларнинг хаммаси ўта мустахкам,  
нозик конун билан ҳаракат  
килмаяптими? Ва ҳар бири бизнинг  
ер куррасидаги ҳаётимиз учун  
ўзининг улкан вазифасини адо  
этмаяптими?

Ўзингиз ҳакингизда ҳам ўйлаб  
кўринг. Аъзойи баданингиз бир-  
бирига қандай муносиб ҳолда  
ҳаракат қиляпти ва сизнинг тўла  
саломатлигингизни сақлаш учун  
ўзаро ҳамкорлик қиляпти?

Бу ажойиботларни ким яратган?  
Ва ундаги бир-бирига чамбарчас  
боглик, мустахкам ва ўта нозик

конунлар ким тарафидан ишлаб  
чикилган? Ким бу улкан коинотни  
кузатиб, бошкариб туради?

Албата, хеч бир инсон бу  
коинотдаги бирон килни хам  
яратмаган, ярата олмайди ва  
яратишни даъво хам кила олмайди!

Демак, бу махлуотларни яратган  
ва уларни назорат этиб турувчи  
Ягона, Кудратли Яратувчи бор.

Ха, У Ягонадир. Чунки агар  
Ундан бошка яна бирон яратувчи  
бўлганда эди, бутун борлик ва осмон  
конунлари бузилиб кетган бўлар эди.  
Ана ўша Ягона Яратувчи хак  
илохдир.

Шундай экан бу хакикатга буйинсунмогимиз ва Яратувчимиз, Роббимизни тан олмогимиз, ва Унинг неъматларини эътироф килмогимиз, шунингдек Унинг хикмат ва мархаматлар билан тўлиб - тошган хидояти олдида бир умр таслим бўлмогимиз мантикдандир.

Яратувчимиз бизларга тушунмок учун ақл ва тўғри йўл танламогимиз учун эркинлик берди.

Мухаммад алайхис-салом сўнггиси бўлмиш пайгамбарлар оркали, ва куръон сўнггиси бўлмиш китобларида Аллох бизларга тўғри йўлни ёритиб кўрсатиб берди.

Энди бизнинг олдимизда икки йўл турибди. Уларнинг бири дунёю охират бахт саодатига элтади. Ана ўша Ислом динидир.

Иккинчиси дунёда зиёнкорлик ва бахтсизликка элтувчи, охиратда абадий азобга йўликтирувчидир. Ихтиёр ўз кўлимизда, кай бирини танлаймиз. Аллох барчамизни тўғри йўлга бошласин. Омийн.

## Иккинчи бўлим

ИСЛОМ... Нима учун? Ким учун?  
Ва қачон? Нима учун Исломни  
танлаймиз?

Чунки Ислом одамлардан Аллох кабул киладиган ва рози бўладиган диндир.

Чунки Ислом Одам алайхис-саломдан тортиб то Мухаммад алайхис-саломгача бўлган барча пайгамбарларнинг динидир. Хаммаларига Аллох тарафидан салоту саломлар бўлсин.

Чунки Ислом самовий динларнинг энг сўнггисидир.

Чунки Ислом элчиси – пайгамбари Аллох юборган элчиларнинг энг сўнггисидир.

Чунки Ислом китоби – Куръон осмондан нозил бўлган китобларнинг энг охиргисидир.

Аллох таъоло Оли Имрон сурасининг ٨٢-оятида шундай деб мархамат килади: «Аллохнинг динидан ўзга дин истайдиларми?! Ахир осмонлару ердаги барча жонзот Унга бўйинсуниб турибдику! Ўшалар ҳам факат Унинг Ўзига кайтадилар».

## Ислом кимлар учун?

Хар бир хаёт ва акл неъматидан Аллох бахраманд килганлар учун.

Хар бир Аллохнинг неъматларини кўра оладиган кўз эгалари учун.

Хар бир Аллохнинг сўзини эшита оладиган кулок эгалари учун.

Хар бир Аллохнинг оятларини тушуниб етадиган акл эгалари учун.

Хар бир мухаббат, шукр ва хамд билан тебранадиган калб эгалари учун.

Сиз учун, мен учун ва Аллох кўнглини иймонга кенгайтиришни хохлаганлаганлар учун.

## **Исломга қачон кириш керак?**

Хозир, эртадан илгари.

Калбингиздаги иймон ундовига  
итоат этинг!

Дархакикат, бу сизга умрда бир  
бор келадиган фурсатдир.

Бу олтин фурсатдир. Балки  
калбингизда бундай лахзалар кайтиб  
такрорланмас.

Аллохнинг чакиригига кулок  
солинг. **У сизни чакираяпти:**  
«Илохингиз бир илохдир. Бас,  
Унгагина бўйинсунингиз! Итоат  
этувчи зотларга хушхабар беринг!»  
Хаж сураси, ʻξ-оят.

**Учинчи бўлим**

**Буюк сафар**

Исломнинг ҳақ дин эканига каноатланган бўлсангиз, Жоме масжид ёки Исломни яхши танийдиган ишончли кишиларни кидиринг. У ердаги масъул шахсларга сиз Ислом динига киришга рағбатингиз борлигини айтинг. Сиз Ислом динидан қай даражада каноатланганингизни масъул шахс сўраши мумкин. Сиз бу китобчани ўқиб чиксангиз бўладиган саволларга жавоб бера оласиз.

Мусулмонлигингизни эълон қиладиган кунни таъйин қилганингиздан сўнг масжидга боришдан аввал Исломга кириш нияти билан ювининг. Агар соч

олдириб, энг яхши либосингизни кийиб хушбўй атрлар сепаиб олсангиз яна хам маъкулрок бўлади.

## Тўртинчи бўлим

### Мусулмонлигингизни қандай эълон қиласиз?

Исломга кириш учун қуйидаги қалималарни айтсангиз қифоя қилади: «**Ашхаду ан ла илаха илла Аллоху**». **Маъноси:** Хеч қандай ҳақ илох йўқдир, магар Аллох борлигига гувоҳлик бераман.

«**Ва ашхаду анна Мухаммадан расулуллох**». **Маъноси:** Ва албатта

Мухаммад Аллохнинг элчиси эканлигига гувоҳлик бераман.

«Ва ашхаду анна Ийса абдуллохи ва росулуху [ ] [ ]». **Маъноси:** Ва албатта Ийсо Аллохнинг бандаси ва элчиси эканлигига гувоҳлик бераман.

Исломга карши барча диндан безорман. Аллохга иймон келтирдим ва Унинг фаришталарига, китобларига, элчиларига, охират кунига ва такдирга – унинг яхшисию ёмони Аллохдан эканига иймон келтирдим.

Куйидаги ишларда Аллох билан аҳду паймон киламан:

Аллохга хеч нарсани шерик,  
баробар, деб эътикод килмайман.

Намозни барпо киламан, тўқис  
адо этаман.

Закотни бераман.

Ўғрилиқ килмайман.

Зино килмайман.

Ўлдириш харом килинган  
кишиларни ўлдирмайман.

Аллохнинг буйрғиидан  
чикмайаман. Мени иймонга йўллаган  
Аллохга хамду санолар бўлсин.

**Бешинчи бўлим**

## Ислом дини нима?

Ислом уч нарсани ўз ичига олади: Сўз, эътикод ва амал. Сўз – бундан аввалги бўлимда айтиб ўтилган нарсалар.

Эътикод – Аллохга, фаришталарига, самовий китобларга, элчиларга ва киёмат кунига иймон келтирмогингиз, чин калбдан ишонмогингиз.

Амал – намоз, рўза, закот ва хаждир.

## Олтинчи бўлим

## Аллохга иймон келтириш

Аллохни ягона илох – бархак маъбуд, деб ишонамиз. У бизни ва барча нарсаларнинг Робби – парвардигоридир.

Аллох барча нарсаларни яратувчисидир. Ундан ўзга ҳамма нарса банда, ундириб-ўстирилган махлукдир. Шунингдек, улар Аллохнинг мулкидан ҳеч нарсага эгалик қила олмайдилар.

Фаришта ва пайгамбарлар ҳам Аллох яратган бандалардир. Шунингдек, Исо ва Мухаммад алайҳимас-салоту вассаломлар ҳам Аллохнинг бандаларидир, уларда ҳеч

кандай роблик, илохлик  
хусусиятлари йўк.

Аллохни «Хай» - тирик ва  
«Кайюм» – абадий тургувчи ва  
«Аввал» ундан аввал бирор нарса  
йўк ҳамда «Охир» ундан кейин  
бирор нарса йўк – Зот, деб эътикод  
киламиз.

У барча товушларни эшитадиган  
«Самийъ» ва барча нарсаларни кўриб  
турадиган «Басийр»дир.

У кўп меҳрибон «Рохман»,  
рахмли «Рахим» ва хар нарсага  
кодир «Кодийр» Зотдир. Унинг гўзал  
исмлари ва олий сифатлари бордир.  
Аллох бизларни йўкдан пайдо

килган, деб эътикод киламиз. У бизларни энг яхши, бир-бирига жуда муносиб кадди-коматда яратди. Бизларга барча неъматни Аллохгина бера олади.

Шунинг учун Ундан ўзга ҳеч кимга ибодат килмоғимиз жоиз эмас. Агарчи у Аллохнинг якин фаришталаридан ёки юборган пайгамбарларидан бўлса ҳам.

Кимки Аллохдан ўзгага намоз ўкиса, сажда килса ёки Аллохдан ўзганинг номи билан бирон хайвонни сўйса, бу ишларни ибодат, улуглаш мақсадида килса, ундай киши мусулмон эмас, кофирдир.

Агарчи у тили билан калимаи шаходатни айтса хам. Аллох табарока ва таъоло шундай деб мархамат килур: «Айтинг (эй Мухаммад алайхис-салом), Албатта намозим, ибодатларим, хаёту-мамотим бутун оламларнинг Парвардигори бўлмиш Аллох учундир. У зотнинг биронта шериги йўқдир. Мана шунга буюрилганман. Ва мен бўйинсунгувчиларнинг аввалиман». Анъом сураси, 162, 163-оятлар.

Ислом якка илохлик дини, у мажусийлардай икки илохлик ёки насронийлардай уч илохлик эмас. Аллох зотида ягонадир, Унинг

мулкда ҳам, хукмда ҳам шериги йўк. Унинг гўзал исмлари ва олий сифатлари бор. Аллох таъоло шундай деб мархамат килади: «(Эй Мухаммад), айтинг: У Аллох Ягонадир. Аллох (барча хожатлар билан) кўзлангувчидир. У тугмаган ва тугилмагандир. Ва ҳеч ким У Зотга тенг эмасдир». Ихлос сураси.

## Еттинчи бўлим

### Фаришталарга иймон келтириш

Аллохнинг фаришталари борлигига, уларни Аллох Ўзига ибодат қилишлари ва буйруқларини бажаришлари учун ҳамда У билан пайгамбарлар ўртасида элчи

бўлишлари учун яратганлигига  
иймон келтирамиз.

Фаришталардан Жаброил исмлиги  
борки, у пайгамбаримиз Мухаммад  
алайхис-салоту вассаломга вахй олиб  
келар эди.

Фаришталардан Мийкоил  
исмлиги борки, унга кор-ёгин  
ишлари топширилган.

Фаришталардан бири ўлим  
фариштасидир. Унга кишиларнинг  
ўлим чогида жонларини олиш  
топширилган.

Фаришталар Аллохнинг куллари  
ва уларнинг Аллох хузурида обрў-

этиборлари бор. Шунинг учун биз уларни эъзозлаймиз ва хурмат билан ёдга оламиз. Лекин уларнинг биронталарига ҳам сизиниб ибодат ёки дуо қилмаймиз ва уларни Аллохнинг ўғиллари ёки қизлари, деб даъво ҳам қилмаймиз. Балки уларни шундай буюк хилкатда яратган Ягона Аллохнинг Ўзигагина ибодат қиламиз. **Аллох таоло шундай деб мархамат қилади:** «Улар (яъни, мушриклар): «**Аллохнинг боласи бор**», - дейдилар. У зот (бундай тухматдан) мутлако покдир. Йўқ, балки (фаришталар) улуг бандалардир. Улар (фаришталар) Аллохнинг амру фармони билангина

амал килиб, У зотдан илгари бирон сўз айтмайдилар. У зот (Аллох) уларнинг олдидаги (киладиган) ва ортларидаги (килиб ўтган) барча ишларни билур. Улар (фаришталар) факат Аллох рози бўлган кишиларнигина шафоат килурлар. Уларнинг (ўзлари Аллохдан) кўркиб хавф-хатарда турурлар. **Улардан биронтаси:** «Мен хам (Аллохдан) ўзга бир илохман», деса, бас, Биз ўшани жаханнам билан жазолаймиз. Биз барча золим-мушрикларни хам ана шундай жазолаймиз». Анбиё сураси, ۲۶, ۲۷, ۲۸, ۲۹-оятлар.

## Саккизинчи бўлим

## Самовий китобларга иймон келтириш

Аллох баъзи элчиларига инсонларга етказишлари учун китоблар нозил килган, деб иймон келтирамиз. У китоблар Аллохнинг сўзидан иборатдир. Бу китоблардан бизга куйидагилари маълум:

Иброхим алайхис-саломга берилган саҳифалар.

Мусо алайхис-саломга нозил килинган Таврот.

Довуд алайхис-саломга нозил килинган Забур.

Исо алайхис-саломга нозил килинган Инжил.

Мухаммад алайхис-саломга нозил килинган Куръон. Барча пайгамбар ва элчиларга Аллохнинг салоти ва саломи бўлсин.

Таврот ва инжилдаги баъзи нарсалар яхудий ва насронийлар томонидан ўзгартириб юборилган.

Куръон ўзидан аввалги китобларни бекор қилади. Ислом ўзидан аввалги динларни бекор қилади.

Мукаддас китоб – Библиядаги Куръонга тўғри келмайдиган ҳар бир

нарса ё ўзгартирилган ёки асли шундай бўлиб, сўнгра Куръон уни бекор килган. Аллох таъоло шундай деб мархамат килади: «Сизга (эй Мухаммад), ўзидан олдинги китобларни тасдиклагувчи ва у (китоблар) устидан гувоҳ бўлувчи бу китобни ҳақ билан нозил килдик». Моида сураси, ʼʼ-оятдан.

Аллох таъоло Куръони каримни араб талида нозил килди. Ва уни ўзгартириш ва бузилишлардан саклади. Аллох таъоло Куръони карим хакида шундай деб мархамат килади: «Албатта бу эслатмани (яъни, Куръонни) Биз Ўзимиз нозил

килдик ва шубхасиз Ўзимиз уни саклагувчимиз». Хижр сураси, 9-оят.

## Тўккизинчи бўлим

### Пайгамбарларга иймон келтириш

Аллох таъоло инсонлар орасидан баъзи шахсларни пайгамбарликка танлаганлигига ва уларни осмон хабарларини қабул қилишга таъйин этганлигига иймон келтирамиз. Пайгамбарлар орасидан расул-элчилар танлади. Уларга шариатларни ваҳй қилди ва уни инсонларга етказиш ва ўргатишни буюрди. Пайгамбарлар ичида «Улул-азм»лари бор. Улар Аллохнинг динига даъват қилган

пайгамбарларнинг энг забардастларидир. Улар беш киши: Нух, Иброхим, Мусо, Исо ва Мухаммад – барчаларига Аллохнинг салоти ва саломи бўлсин. Ислом сизни Мусо, Исо ёки бошқа пайгамбарларни инкор этишга буюрмайди. Балки, аксинча у пайгамбарларга бўлган тўғри иймонни баён этади. Аллох таъоло куръонда шундай деб мархамат қилади: «Сизга (эй Мухаммад), ўзидан олдинги китобларни тасдиклагувчи ва у (китоб)лар устидан гувоҳ бўлувчи бу китобни ҳақ билан нозил қилдик. (Яъни, ўзгартирилган ҳақни баён қилгувчи

бўлган холда нозил килдик)». Моида сураси, ۴۸-оятдан. Аллох таъоло деди: «Айтинглар (эй мўминлар), Аллохга ва бизга нозил килинган китобга ва Иброхим, Исмоил, Исхок, Якуб, ва ўша улуг авлодга нозил килинган нарсаларга, Мусо ва Ийсога берилган нарсаларга ва барча пайгамбарларга Роббилари тарафидан берилган нарсаларга ишондик. Биз улардан биронталарини ажратиб кўймаймиз ва биз У Зотга (Аллох таъолога) бўйинсинувчилармиз». Бакара сураси, ۱۳۶-оят.

Энг биринчи пайгамбар башарият отаси – Одам алайхис-саломдир. Энг

сўнггиси Мухаммад алайхис-салом,  
у кишидан сўнг киёматгача  
пайгамбар бўлмайди. Шунинг учун  
хам у кишининг динлари киёматгача  
бокий колувчи, ягона ҳақ диндир. У  
кишининг исмлари Мухаммад,  
оталари Абдуллох, боболари  
Абдулмутталиб. Арабларнинг  
машхур Курайш кабиласидан  
бўладилар. У кабила Иброхим ва  
ўгиллари Исмоил алайхимас-салом  
зурриётидандир. Макка шаҳрида  
«Фил йили»да (такрибан ۵۷۱  
милодий йилда) таваллуд топганлар.  
Кирк ёшга етганларида Аллох у  
кишига ваҳй юборди. Пайгамбар  
бўлганларидан сўнг Маккада ўн уч

йил ёлгиз Аллохга ибодат килишга даъват килдилар. Бу вақт ичида маккаликлар ва бошқа ерликлардан жуда озчилик иймон келтирди.

Сўнгра Мадина шахрига кўчдилар – хижрат килдилар ва мадиналикларни Аллохга даъват килдилар, улар иймон келтирдилар.

Хижрат килганларига саккиз йил бўлди деганда Маккани фатх килдилар.

Куръони карим тўла-тўқис нозил бўлиб, араблар Ислом динига кирганидан сўнг олтмиш уч ёшларида вафот этдилар. У кишига

Аллохнинг салоти ва саломлари бўлсин.

## Ўнинчи бўлим

### Охират кунига иймон келтириш

Бу дунёдаги хаётдан сўнг бошка яна бир хаёт бор, деб иймон келтирамиз. Агар бу дунёга белгиланган муддуд тугаса, Аллох фаришталаридан бирига сур чалишни буюради. У сур чалади ва барча жонзотлар ўлади.

Сўнг у иккинчи бор сур чалади. Шунда Одам алайхис-саломдан тортиб то киёматгача бўлган барча

халойик кайта тириладилар ва кабрларидан турадилар.

Сўнгра инсонларни килган амалларига кўра хисоб-китоб килиш учун Аллох уларни махшар майдонига тўплайди. Аллохга иймон келтириб, пайгамбарларни тасдик этган ва яхши амаллар килган мўминларни Аллох жаннатга киргизади. Улар жаннатдаги неъматлардан бахраманд бўлган холда абадий қоладилар.

Аллохга кофир бўлган, пайгамбарларни ёлгончига чиқарган ва Унинг буйругига итоат этмаган кимсаларни Аллох дўзахга

киргизади. Улар дўзахда абадий азобда коладилар.

Аллохим, Сендан жаннатни сўраймиз ва дўзахдан панох тилаймиз. Омийн.

Аллох таъоло шундай деб мархамат килади: «Бас, кимки тугёнга тушса ва хаёти дунёни (охиратдан) устун кўйган бўлса, у холда факат жаханнамгина (унинг учун) жой бўлур. Энди кимки (киёмат кун) Парвардигори (хузурида) туришидан кўрккан ва нафсини хавойи хохишларидан кайтарган бўлса, у холда факат жаннатгина (унинг учун) жой

бўлур». Нозиот сураси, ۳۷, ۳۸, ۳۹, ۴۰, ۴۱-оятлар.

## Ўн биринчи бўлим

### Ибодатлар – диний амаллар

Ислонда амаллар асосан икки қисмга бўлинади:

۱- Ибодатлар. Булар намоз, рўза, закот, хаж каби Аллох буюрган шариат ва фарзлардир.

۲- Ўзаро муомалалар. Бу шахслар орасидаги, оиладаги ва жамиятдаги ҳар қандай муомалаларни ўз ичига олганидек, умумислом миллатига тегишли ҳаётнинг ҳамма соҳасидаги фаолиятларни ўз ичига олади.

Мазкур фаолиятлар сиёсий, иктисодий, маданий, конуний, ахлокий бўлсин ёки бир минтакага хос ёки жаҳон микёсида бўлсин, умуман қайси соҳада бўлишидан қатъий назар, у ҳақда исломнинг ўз фикри, ўз ҳукми бор. Ҳаётдаги муомалаларни Аллохнинг шариатиға мувофиқ бажарсангиз, у муомалалар умумий маънода ибодат тусига қиради.

Бу кичик китобча исломдаги муомалаларнинг ҳаммасини батафсил баён қила олмайди. Сиз ҳар бир ҳолатда исломий фикх (конун) китобларига ёки ишончли бирор

Ислом олимига мурожаат  
килишингиз лозим.

Ислом асослари бешта:

۱ - Икки шаходат.

۲ - Намоз.

۳ - Рўза.

۴ - Закоат.

۵ - Хаж.

## Ўн иккинчи бўлим

### Икки шаходат

Куйидаги калималарни  
дилингизда ишонч хосил килган

холда тилингиз билан айтасиз:

«Ашхаду ан ла илаха иллаллох».

**Маъноси:** Ягона Аллохдан ўзга ибодатга лойик хеч бир нарса йўк, деб гувохлик бераман. «Ва ашхаду анна Мухаммадан росулуллох».

**Маъноси:** Ва албатта Мухаммад алайхис-салом Аллох томонидан юборилган пайгамбар – элчи, деб гувохлик бераман.

## Ўн учинчи бўлим

### Намоз

Бир кеча – кундузда беш вақт намоз ўқийсиз.

١ - Бомдод (Субх) намози. Икки ракаат фарз. Вакти тонг отгандан то куёш чиккунча.

٢ - Пешин намози. Тўрт ракаат фарз. Вакти туш пайтида куёш кун ботиш томонга мойил бўлганидан бошлаб, то хар бир нарсанинг сояси ўзига икки баробар бўлгунча.

٣ - Аср намози. Тўрт ракаат фарз. Вакти пешин намозининг вакти тугагандан сўнг то куёш ботгунча.

٤ - Шом намози. Уч ракаат фарз. Вакти куёш ботгандан сўнг то осмондаги кизил шафак йўколгунча. (Куёш ботгандан сўнг тақрибан бир соат ўн беш минут давом этади).

○- Хуфтон намози. Тўрт ракаат фарз. Вақти шом намози вақти тугагандан сўнг то кечанинг ярмигача, тонг вақтигача чўзилиши ҳам мумкин.

## Ўн тўртинчи бўлим

### Тахорат

Мусулмон киши намоз ўқиётганда покиза ва озода бўлмоғи вожибдир.

Покланиш икки турли бўлади:

- ۱- Тахорат (кичик покланиш).
- ۲- Гусл – ювиниш (катта покланиш).

Тахорат куйидагича қилинади:

Тахоратни намоз учун, деб  
(дилингизда) ният  
киласиз. «Бисмиллах» дейсиз.

Тахоратга ярайдиган, покиза сув  
билан икки кўлингизни ошигигача  
ювасиз. Сўнг огзингизни гар-гара  
килиб чайкайсиз. Кейин бурнингиз  
ичига сув тортиб пуркаб, чиқариб  
ташлайсиз.

Юзингизни ювасиз.

Икки кўлингизни тирсаклари  
билан кўшиб ювасиз. (Ўнг кўлдан  
бошлайсиз).

Кўлингизни сув билан хўллаб,  
бошингизга ва кулогингизга масх  
тортасиз.

Икки оёгингизни тўпиги билан  
кўшиб ювасиз. (Ўнг оёгдан  
бошлайсиз).

Икки калимаи шаходатни  
ўқийсиз.

Бир бор тахорат килгандан сўнг  
токи тахорат бузилмагунча яна  
янгидан тахорат килиш вожиб эмас.

Ухлаш, инсоннинг олди ёки орқа  
йўлларида нажосат ёки хаво  
чикиши каби нарсалар тахоратни  
бузади.

Гусл – ювиниш.

Мусулмон киши куйидаги ишлардан биронтаси рўй берса гусл килади:

Табиий бирон сабабга кўра маний чикса.

Жинсий алока килса.

Аёл кишининг хайз кони тўхтаса.  
(Хайз одатда аёллардан хар ойда келадиган кондир).

Шунингдек нифос кони тўхтаса.  
(Аёллардан туккандан сўнг келадиган конни нифос кони, деб аталади).

Гусл покиза сувни баданнинг хаммасига етказишдир. (Кулок, бурун, огиз хам шу жумладандир).

Таяммум (курук покланиш).

Тахорат ёки гуслга сув топилмаган холда таяммум киласиз.

Шунингдек, касаллик ёки бошка бирон узр сабабли сув истеъмол кила олмасангиз хам таяммум киласиз.

Таяммумни куйидагича киласиз:

Икки кафтингизни покиза тупрокка урасиз.

Сўнг икки кафтингизни юзингизга суртасиз.

Сўнгра икки кафтингизни кўлингизга суртасиз. (Ўн кўлдан бошлаб).

## Ўн бешинчи бўлим

### Намозни қандай адо этасиз?

Намозни масжидда, мусулмонлар жамоати билан адо этишингиз афзал. Ана шунда катта савобга эга бўласиз ва улардай тўғри намоз ўқишни тезда ўрганиб оласиз.

Ёлғиз ўзингиз бўлсангиз намозни қуйидагича адо этасиз:

Аъзойи баданингиз,  
кийимларингиз ва

Жойнамозингизнинг покиза эканига ишонч хосил килинг.

Кибла томон юзланинг. (Кибла мукаддас Макка шахридаги Ал-Харам масжидининг ўртасида жойлашган Каъбадир).

Кўлингизни кулок юмшоги баробарига кўтариб, «Аллоху акбар», дейсиз.

Икки кўлингизни кўксингиз устига кўйинг, ўнг кўл чап кўл устида туради.

Аввал санони ўкиб, сўнг Фотиha сураcини ўкинг.

«Аллоху акбар», деб олд тарафга эгилиб рукуъ киласиз. Рукуъ холатида икки кўлингиз билан тиззангизни ушлаб, белингизни бир текис килиб турасиз. Рукуъда уч марта «Субха-а-на роббиял азийм», дейсиз. Сўнгра «Самиъаллоху лиман хамидах, роббан-а-а лакал хамд», деган холда бошингизни кўтарасиз.

Сўнгра «Аллоху акбар», деб саждага борасиз. Сажда холатида пешона, бурун, икки кафт, тиззалар ва оёк бармоклари ерга тегиб турмоги лозим. Саждада уч марта «Субха-а-на роббиял аъла», дейсиз. Сўнг такбир айтиб – «Аллоху акбар», деб ўтирасиз ва бир марта

«Роббгифир лий вархамний», дейсиз.  
Сўнг такбир айтиб иккинчи бор  
сажда киласиз ва яна уч марта  
«Субха-а-на роббиял аъла», дейсиз.

Мазкур амалларни бажариш  
билан бир ракаатни тамомлаган  
бўласиз. Шундан сўнг «Аллоху  
акбар», деб қайта тик туриб, иккинчи  
ракаатни ҳам худди аввалгидай адо  
этасиз.

Иккинчи ракаатни  
тамомлаганингиздан кейин ўтириб,  
Ташаххудни ўқийсиз «Аттахийя'ту  
лилла'хи вас-солава'ту ват-  
тоййиба'т, ассала'му алайка айюхан-  
набийю ва рохматулло'хи ва

барока'туху, ассала'му алайна' ва ала' иба'диллахис-солихи'йн, ашхаду анла' ила'ха иллалло'ху, ва ашхаду анна Мухаммадан абдуху ва росулух» Маъноси: «Барча кутловлар, дуолар ва ширин сўзлар [۲][۲] Аллох учундир. Эй пайгамбар сенга салом [۳][۳] бўлсин, ва сенга Аллохнинг рахмати ва баракотлари бўлсин, бизларга ва Аллохнинг солих бандаларига салом бўлсин, Аллохдан ўзга ҳақ маъбуд йўк деб гувоҳлик бераман ва Мухаммад -саллалоху алайхи ва саллам- унинг бандаси ва элчиси деб гувоҳлик бераман». Кейин салавот ўқийсиз: «Аллохумма солли ъала

Мухаммадив- ва ала а'ли Мухаммад,  
 кама' соллайта ъала Иброхима ва  
 ъала а'ли Иброхим иннака Хамидум-  
 Мажид. Аллохумма борик ъала  
 Мухаммадив- ва ъала  
 а'ли Мухаммад, кама' боракта ъала  
 Иброхима ва ъала а'ли Иброхим  
 иннака Хамидум-Мажид». **Маъноси:**  
 «Эй Аллох Иброхимга ва  
 Иброхимнинг ахлига салот [\[ﺉ\]\[ﺉ\]](#)  
 йўллаганинг каби Мухаммадга ва  
 Мухаммаднинг ахлига салот  
 йўллагин, албатта сен макталган улуг  
 зотсан Эй Аллох Иброхимга ва  
 Иброхимнинг ахлига баракот  
 берганинг каби Мухаммадга ва  
 Мухаммаднинг ахлига баракот бер,

албатта сен макталган улуг зотсан». Сўнгра дуо ўкийсиз: «Аъзузу биллахи мин аза'би жаханнам ва мин аза'бил-кабри ва мин фитнатил-махё' вал-мама'т ва мин фитнатил-масийхид-дажжа'л»

Муслим ривояти. Маъноси:

«Жаханнам азобидан, кабр азобидан, хаёт ва мамот [о][о] фитнасидан ҳамда масийхид-дажжол фитнасидан Аллохга илтижо киламан».

(Китобнинг охирида ташаххуд, салвот ва дуолар зикр этилган).

Сўнгра ўнг томонингизга «Ассаламу алайкум ва рохматуллох», деб салом берасиз. Сўнгра чап

тарафингизга «Ассаламу алайкум ва рохматуллох», деб салом берасиз.

Бомдод намозини шу тарзда адо этасиз. Чунки у икки ракаатдан иборат. Пешин намози тўрт ракаатдан иборат бўлганлиги учун иккинчи ракаатдаги ташаххуддан сўнг салавот ўкимадан туриб кетиб, яна икки ракаат давом этдирасиз. Сўнгра охирги, тўртинчи ракаатда ўтириб ташаххуд, салавот ва дуони ўкиб салом берасиз.

Аср ва хуфтон намозлари ҳам худди пешин намозидай адо этилади.

Шом намози эса уч ракаат, шунинг учун иккинчи ракаатда

ташаххуд ўқигандан сўнг туриб яна бир ракаат давом эттириб намозни якунлайсиз.

## Нима учун намоз ўқиймиз?

Мусулмон киши намозни Аллох буюргани учун Аллохга ибодат қилиш ва сизиниш мақсадида адо этади. Дарҳақиқат, намоз инсонлар адо этадиган, Аллохга суюмли бўлган ибодатларнинг энг улугидир. Бизларни Аллох энг чиройли шакл-шамойилда яратганлигининг шукронасига намозни адо этамиз. Бизларни Исломга йўллаганининг шукронасига намозни адо этамиз. Аллохнинг сўзи бўлмиш Куръон

билан Аллохга намозда муножот килиш учун уни адо этамиз.

Аллохни унутмай, доимо ёдда тутишимиз ва хаёт ташвишлари билан Унинг буйрукларини унутмаслигимиз учун намозни адо этамиз. Аллохга дуою илтижолар килишимиз ва хаётнинг коронгузулматларида хак йўлдан адашмаслигимиз учун Ундан мадад, тавфик ва доимий хидоят сўраш учун намозни адо этамиз.

Калбимиздаги Аллохга бўлган мухаббат ва Ундан кўркув янада зиёда бўлиши натижасида хаёт йўлимиз давомида Ислом динида ва

унинг шариати ва одобларида мустахкам колишимиз учун намозни адо этамиз.

Адо этаётган намозимизнинг савоби эвазига Аллох гунохларимизни кечишини умид килиб намозни адо этамиз.

Киёмат куни Роббимизга ёруг юз билан йўликиб, неъматларга тўла жаннатида тайёрлаб кўйган мукофотлар билан шод-хуррам бўлмок учун намозни адо этамиз.

Намоз мусулмон учун чиникиш ва юксалиш омилидир. Агар у намозни тўла адо эта олса, хаётининг жисмоний, ахлокий, рухий ва бошка

сохаларида катта ютукларга эришади. **Масалан:** Покизалик, саломатлик, кундалик тартиб, жамиятдаги ўзаро биродарлик, баробарлик, хамжихатлик ва бошкалар.

## Ўн олтинчи бўлим

### Закот

Закот сўзи арабча бўлиб ўсиш ва покланиш маъноларини англатади.

Исломда закотнинг маъноси камарий таквимга кўра хар йили шахсий жамгармангиздан курьон таъйин килган эзгу ишлар учун муайян микдорни бермогингиздир.

Камарий таквим хисобига кўра бир йил мобайнида сиз 10 грамм тилла ёки унинг кийматича (бугунги кунда тақрибан 1000 америка дўлларига тўғри келади) пулга эга бўлсангиз [1][1], ундан 2,0 фоизини закотга чиқармогингиз керак.

Закот бериладиган кишилар: Мусулмонлардан бўлган факирлар, мискинлар, сафаридан узилиб қолган мусофирлар, қарзи қўпайиб кетиб, тўлашга қурби етмай қолган кишилар, Исломига кириш эҳтимоли бор кишиларни рағбатлантириш учун. Шунингдек, Аллох йўлида – даъват ва жиходга берилади.

Шунингдек, кўлингизда савдо учун ажратилган моллар бўлса ва унга бир йил ўтган бўлса, унинг кийматини аниқлаб ундан ۲,۵ фоизини закотга чиқарасиз.

Чорвалар, дехкончилик хосиллари ва бошқа закот чиқариладиган нарсаларни ва уларнинг закот миқдорини билиш учун бирор олим ёки исломдаги закот илмига оид китобларга мурожаат қилишингиз мумкин.

## **Нима учун закот берамиз?**

Закот беришдан бўлган мақсадимиз Аллохга ибодат қилишдир. Чунки Аллох бизларни

закот беришга буюрган ва У садака берувчиларни яхши кўради.

Аллох бизларни бадавлат килиб кўйгани ва уни халолдан топишга муваффақ килиб кўйганининг шукронасига закот берамиз. Факир ва мискинларга молларимиздан сарф этиб, ёрдам килиш ва хожатмандларнинг хожатини равон килиш мақсадида закот берамиз. Исломий жамиятни тузатишда ўз хиссамизни кўшиш мақсадида закот берамиз.

Ер юзида исломий даъватнинг таркалишида ҳамкорлик килиш мақсадида закот берамиз.

Ўзимизни бахиллик,  
кизганчиклик ва очкўзлик каби  
иллатлардан поклаш мақсадида закот  
берамиз. Шунда биз молларимизга  
хақиқий эга бўламиз, акс холда  
унинг кулига айланамиз.

Молни касб килиб  
топаётганимизда киладиган ножўя  
хатти ҳаракатларимиздан тозаланиш  
учун ҳам закот берамиз. Шунда  
Аллоҳ молларимизни асраб, унга  
барака ато этади. Аллоҳ бизга  
охиратда закот эвазига ундан  
яхшироқ ажр бериши учун закотни  
адо этамиз.

Орамиздаги мухтожларни хасад, кўролмаслик каби иллатларга гирифтор бўлиб қолишдан асраш учун закот берамиз.

Жамиятимизни бойлар ва камбагаллар табакасига бўлиниб қолишидан химоя қилиш ва иқтисодий кийинчиликни бартараф этишга ўзимизнинг муносиб хиссамизни қўшиш мақсадида закот берамиз.

Закотни исломий закот уйларига ёки закотни тўплаб, шаръий ўринларига сарф этувчи ишончли исломий жамиятларга беришимиз мумкин.

## Ўн еттинчи бўлим

### Рўза

Рамазон оёи (исломий камарий йилнинг тўккизинчи оёи) келса, мусулмонлар бу ойда кундуз кунлари Аллохнинг амрига бўйинсунган холда рўза тутадилар.

Рўза тонг отгандан то куёш ботгунча ейиш, ичиш ва жинсий алокадан тийилишингиздир.

Кимки Рамазоннинг баъзи кунларида бетоб ёки мусофир бўлса, рўза тутмаслиги жоиз. Касал ёки мусофир рўза тутолмаса, Рамазондан

сўнг тутмаган кунлари ададича кунда рўза тутиб беради.

Рамазон оyi нихоясига етиб,  
Шаввол оyi келса, шу оyнинг  
биринчи куни Ийдул-Фитр байрами  
бўлади.

Байрам куни куёш чиккандан сўнг мусулмонлар жамоат бўлган холда Аллох уларга рўзани тўлик тутиб олишни муяссар килганига шукрлар килиб, ийд намозини адо этадилар. Ийд намозини катта кенглик ёки масжидларда адо этилади. **Аллох таоло бу мухим ибодат хакида шундай деб мархамат килади: «Эй мўминлар, шояд такводор**

бўлсангизлар деб, сизларга сизлардан аввалгиларга фарз килингани каби рўза тутиш фарз килинди». Бакара сураси, ʼᵗ-оят. **Ва яна шундай деб мархамат килади:** «(У санокли кунлар) Рамазон ойидирки, бу ойда одамлар учун хидоят бўлиб ва хидоят ва фуркон (хак билан ботилни ажратувчи)нинг очик оятлари бўлиб Куръон нозил килинган. Бас, сизлардан ким бу ойга хозир бўлса, рўза тутсин. Ва ким хаста ёки мусофир бўлса, у холда (рўза тутолмаган кунларининг саногини бошка кунларда (тузалгач ёки сафардан кайтгач) тутсин». Бакара сураси, ʼᵗᵒ-оят.

## Нима учун Рамазонда рўза тутамиз?

Аллохнинг буйругига итоат этганимиз учун Рамазон рўзасини тутамиз. Аллох таъоло рўза тутувчиларни яхши кўргани учун бизларни бу ойда рўза тутишга буюрди. Аллох таъоло куръони каримни бизларга ва жамики башариятга хидоят қилиб нозил қилганлигининг шукронасига рўза тутамиз. Бизларни Куръонга иймон келтирувчилардан бўлишимизни ихтиёр қилганининг шукронасига рўза тутамиз.

Бизларни Куръони каримни ўқишга, тушунишга ва унинг оятлари билан хидоят йўлини топишга муваффақ қилганлиги учун Рамазон рўзасини тутамиз.

Аллох бизларнинг вужудимизда пайдо қилган ейиш, ичиш ва жинсий шахватлар устидан ҳукмрон бўлишимиз учун Рамазон рўзасини тутамиз.

Аллохнинг амрига бўйинсуниб, харом таом, ичимлик ва харомдан бўлган молларни тарк эта олишга ўрганиш учун рўза тутамиз.

Кўпинча оч-нахор қоладиган бечора мискинлар ва уларнинг

фарзандларини эслаб, бизларга Аллох берган неъматлардан уларга хам бериш учун рўза тутамиз.

Ейиш-ичиш ва жинсий шахватлар билан машгул бўлишдан озод бўлиб, бу куръон ойида кўпрок ибодатлар килиш билан рухиятимизга янада кўпрок эътибор бериш учун рўза тутамиз.

Холис, Аллохга амал килиш, Унинг назорати остида эканлигимизни унутмаслик, Унинг амрига бўйинсуниш ва сабр каби улуг сифатлар бизларда янада зиёда бўлиши учун рўза тутамиз.

Шунингдек, рўзанинг саломатлигимиз учун ҳам катта фойдаси бор.

Рўзанинг савоби Аллох хузурида сакланган бўлиб, киёмат куни рўза тутганларни Ўзи мукофотлайди.

## Ўн саккизинчи бўлим

### Хаж

Хаж Аллохнинг буйругини бажариш мақсадида Маккатул Мукаррама шаҳридаги Байтуллох – Каъбани зиёрат қилиш ва у ерда муайян маросимларни адо этиш учун қилинадиган сафардир. Хаж амалларини батафсил ўрганиш учун

бу мавзудаги исломий китобларга мурожаат килинг.

Хаж балогат ёшига етган, жисмоний ва иктисодий жихатдан кодир бўлган хар бир мусулмонга умрида бир марта фарздир.

Барча хаж ибодатларини хижрий йил ўн иккинчи ойнаинг аввалги ярмида бажарилади.

Зул-хижжа ойнаинг тўккизинчи куни хаж ибодатлари ичидаги энг улуг амал адо этилади. У амал Арафот тоги атрофида туришдир. У ерда гохо икки миллионгача хожилар жамланадилар.

Хожилар Раббиларига дуою илтижолар, тавба-тазаррулар килишлари учун ва Унинг рахмати ва магфиратидан умидвор эканликларини намоён килишлари учун у ерда туришни фарз килинди.

Бу бизларга киёмат кунндаги катта жамланишни эслатади.

Эртаси (**ўнинчи кун**) катта курбонлик байрами – Ийдул-Азхо бўлади. Бу кун хожилар курбонликларини сўядилар, сўнг Маккага кайтиб келиб Каъба атрофида етти марта тавоф киладилар. Мана шу кунда ер юзидаги бошқа мусулмонлар ҳам

ийд намозини адо этишгандан сўнг курбонликларини сўядилар. Бу курбонлик Иброхим алайхис-саломнинг катта курбонликларини эсда тутиш учун шариат амалларидан бири килинган. Иброхим алайхис-салом ёлгиз, суюкли ўгиллари Исмоилни сўймокчи эдилар. Чунки Аллох у кишидаги ихлос ва итоат кай даражада эканини синаш учун ўз ўгилларини курбонлик килишга буюрган эди.

Агар хажга борсангиз, Мадинадаги пайгамбар алайхис-саломнинг масжидларини зиёрат килинг ва у ерда намоз ўкинг. Чунки

у масжидда ўқилган намознинг савоби кўп улугдир.

Мадинада бўлган чогингизда Росулulloх саллаллоху алайхи васалламнинг ва Абу Бакр, Умар ва бошқа саҳобаларнинг қабрларини шариатга мувофиқ равишда зиёрат қилиб, уларга салом беринг.

Қуддус шаҳридаги Ал-Ақсо масжиди ҳам Ислондаги муқаддас зиёратгоҳлардан саналади. Мусулмонлар бу масжидни тугёнкор яҳудлар кўлидан озод қилишларига мадад беришини Аллоҳдан илтижо қилиб сўраймиз.

**Нима учун ҳаж қиламиз?**

Аллох таъолонинг буйругига  
итоат этганлигимиздан хаж киламиз.  
Чунки У бизларни хаж килишга  
буюрган. Ва бизлардаги соглик,  
хотиржамлик ва мол-дунё каби  
неъматларнинг шукронасига хаж  
киламиз. Аллохнинг покиза уйи  
бўлмиш Каъба атрофида  
тавофларимиз билан Аллохни  
улуглаш мақсадида хаж киламиз.  
Каъба ер юзида энг биринчи Аллохга  
ибодат килиш учун қурилган уйдир.  
Бутун ер юзидаги мусулмонларнинг  
кибласи бўлмиш Каъба олдида намоз  
ўқиш учун хаж киламиз. Улуг  
ибодатгоҳ бўлмиш Арафотда туриб,  
Аллохни ёд этиш ва жамики қилган

гунохларимизга тавба-тазаррулар килиб, ўзимизни поклаш учун хаж киламиз.

Мухаммад саллаллоху алайхи васаллам тугилиб ўсган ва у кишига вахй нозил бўлган жойларни ҳамда Аллохнинг нуруни таратиш йўлида машаккатлар чеккан мукаддас ерларни кўриш мақсадида хаж киламиз.

Ер юзининг хар тарафидан келган мусулмонлар билан учрашиш ва улар ўртасидаги ранг, тил, яшаш шароитидаги ва бошка дунёвий ишлардаги фаркларга карамасдан улардаги биродарлик, баробарлик,

Ўзаро ҳамкорлик ва мухаббат каби туйгуларнинг рўёбга чиққанини кўриш мақсадида ҳаж киламиз. Ана шу ерда Ислом оламшумул дин эканлигига яна бир бор амин бўламиз.

Бугунги кунда бизлар жуда ҳам мухтож бўлиб турган сабр-бардош, фидойилик ва камтаринлик каби рухий даволар билан даволаниш мақсадида ҳаж киламиз.

Гуноҳларимиздан покланиб ҳаждан бегуноҳ кайтгач, ҳаётимизнинг янги саҳифасини бошлаш учун ва Аллоҳга йўлиққунча шундай покиза холда саклаб, абадият

хаётида хурматга сазовор бандалар каторидан ўрин оламиз, деган умидда хаж киламиз.

## Ўн тўккизинчи бўлим

### Исломингизни қандай ривожлантирасиз?

Қалбингиз тўла қаноат билан Исломи қабул қилган қунингиздан бошлаб номайи аъмолингизда бир янги, оппоқ саҳифа очасиз.

Аввалда қилиб ўтган ёмон, гуноҳ ишларингизни Аллоҳ мусулмон бўлишингиз шарофати билан қечиб юборади. Дарҳақиқат, сиз мусулмон бўлсангиз гўё янги тугилгандай

бўласиз. Энди сиз исломда улгайиб ўсмогингиз лозим. Лекин қандай қилиб?

Биринчи: Исломиё тушунчангизни янада кенгайтрасиз, Куръон ўқийсиз. Куръон тафсирларидан ўқийсиз. Пайгамбар саллаллоху алайхи васалламнинг хадиси шарифларидан ўқийсиз. Пайгамбар саллаллоху алайхи васалламнинг ҳаётлари билан танишасиз. Ислום динини ер юзига таратган ва бутун оламга етказган ўтмишдаги солих кишилар ва исломий буюк шахслар ҳаётлари билан яқиндан танишасиз.

Жумъа хутбасини тинглаш ва мусулмонлар билан намоз ўқиш учун жумъа намозларига келинг.

Икки ийд намозларига келиб, хутбаларига кулок солинг.

Беш вақт намозни масжидларда адо этинг.

Диний дарсларга катнашинг.

Имкони бўлса, исломий олимлар, масжид имомлари ва диний устозлар билан алоқа ўрнатинг. Уларга ўзингизни таништириб улардан ўзингиз билмаган диний ишлар хақида сўранг. Уялиб тортиниб ўтирманг. Аксинча сиз савол

сўраётган кишилар сизга жавоб бериш билан хурсанд бўладилар. Сизга йўл кўрсатувчи ва билмаган диний ишларингизни ўргатувчи бўлиш учун илми бор мусулмон дўст топишга ҳаракат килинг.

Исломни тўла тушуниш учун бу диннинг асл манбаи бўлмиш қуръон, ҳадис ва бошқа ишончли исломий китобларни имкони борича кўпроқ ўқишга ҳаракат килинг. Шунда сиз тез орада исломнинг ибодатдаги, оиладаги, ўзаро муомалалардаги, одоб-ахлоқдаги, иқтисоддаги ва жамиятдаги кўп қонун-қоидаларини ўрганиб оласиз. Ва яна исломнинг борлиқ, инсон ва ҳаёт ҳақидаги

тасаввур, дунёкарашини билиб оласиз.

Ислом масжидларгагина хос дин эмас, балки у жамият конуни, давлат дастури ва хаётий йўлланма хамдир.

Иккинчи: Яхши амалларни кўпрок киласиз. Аввалда айтиб ўтган беш амалдан хам бошка яхши амалларни – ишларни килишга харакат килинг. Беш вақт намознинг хар бирига кўшиб ўкиладиган суннат (нафл) намозларни хам адо этинг.

Закотдан ташкари хам мухтож, факирларга кўлдан келганича молиявий ёрдам килинг ва

кўлларида келмайдиган зарур ишларини бажаришда ёрдам беринг.

Рамазон рўзасидан ташкари ҳам баъзи кунларда рўза тутиб туринг.

**Масалан:** хар ойда уч кун ёки душанба ва пайшанба кунлари.

Исломий жамиятни тузатиш мақсадида ўтказилаётган баъзи фойдали йигинларда иштирок этинг.

Дўстларингизни Исломга чакиринг.

**Йигирманчи бўлим**

**Исломингизни қандай саклайсиз?**

Сиз Исломга кириш билан ўзингизга кўп яхшиликларни жамлаган бўласиз. Бамисоли хазина топиб олган кишидайсиз. Табиийки, хазина топиб олган кишининг душманлари кўпайиб, хазинани ўгирлашга ҳаракат қиладилар.

Худди шунингдек сиз ҳам исломдек битмас-туганмас хазина топиб олдингиз.

Шунингдек, сизни бу янги қабул қилган динингиздан айрим кишилар тўсишга уринадилар. Улар Аллохнинг душманларидир. Аллохнинг душманлари шайтонлар ва шайтонсифат инсонлардир.

## Куйидаги ишлар шайтонсифат инсонларнинг кирдикорларидандир:

Улар сизни мол-дунё билан алдаб динингиздан кайтармокчи бўладилар. Ёки сизни масхаралаб куладилар.

Улар сизга Ислом ундай-бундай деб ёмонлайдилар ва дилингизга хар хил шубха уругларини сепадилар.

Билингки, **Аллох куръонда шундай дейди:** «Улар сизга (куръонни айблаш учун) бирон мисол-савол келтирсалар, албата Биз сизга хак (жавобни) ва энг гўзал шархни келтириб кўйдик». Фуркон сураси, ۳۳-оят. Шундай экан, Ислом

олимларидан Аллох бу шубхаларга жавобан куръонда нималарни вахй килган, деб сўранг.

Шайтонлар яна: Ота-боболарнигини динидан воз кечиб, бошка динга эргашасанми, деб калбингизга васваса соладилар.

Яна улар: Сени намоз ўқишга, рўза тутишга ва молингни бировларга беришга буюрадиган хамда арок ичиш, фохишабозлик ва хоказолардан махрум этадиган динга эргашасанми, деб йўлдан оздирмокчи бўладилар.

Шайтон васвасасини сезсангиз, ушбу дуони ўкинг: «Робби аъзузу

бика мин хамаза-а-тиш-шай-а-тийни ва аъзузу бика робби ан яхзуру-у-ни».

**Маъноси:** «Роббим, мен Сендан шайтонниг васвасаларидан панох беришингни сўрайман. Яна мен Сендан (ё) Роббим, улар менинг хузуримга келишларидан панох беришингни сўрайман». Муъминун сураси, 97, 98-оятлар.

Шунингдек, «Ал-Фалак» ва «Ан-Нос» сураларини ўқинг.

## Йигирма биринчи бўлим

## Бошкаларни Исломга қандай чакирасиз?

Пайгамбаримиз Мухаммад саллаллоху алайхи ва саллам айтадиларки: «Аллох сиз сабабли бир кишини хидоят килиши сиз учун кизил туя - энг кимматбахо молдан хам яхширокдир».

Яна шундай дейдилар: «Кимки хидоятга чакирса, эргашганлар ажрича ажр унга (чакирувчига) хам бўлади. Бу эса уларнинг (яъни, эргашувчиларнинг) ажридан хеч нарсани камайтирмайди».

Демак, шундай экан, ўзингиз танийдиган мусулмон бўлмаган кишиларни Исломга чакиришга шошилинг.

Аввал якинларингиздан бошланг, улар ота-онангиз, турмуш ўртогингиз, ўгил-кизлар, ака-ука, опа-сингиллар, кариндош-уруглар ва биродарлардир. Аллох таъоло пайгамбари Мухаммад саллаллоху алайхи васалламга шундай деб амр килди: «Ва якин кариндош-уругларингизни (Аллохнинг азобидан) огохлантиринг»! Шуаро сураси, ʼ ʼ ʼ-оят.

Уларга ҳақ динни баён килинг ва уларни бу динга кизиктиринг. Улар агар Исломга эргашадиган бўлсалар, Аллох уларга дунёю охиратда берадиган неъматлари билан севинч хабарини беринг.

Аллох башариятни хидояти учун  
нозил килган Куръонга иймон  
келтирмасалар, албата Аллох уларга  
газаб килишини айтиб  
огохлантиринг.

Аллох таъоло барча оламларга  
рахмат килиб жўнатган пайгамбари  
Мухаммад саллаллоху алайхи  
васалламга иймон келтирмасалар  
Аллохнинг газабига дучор  
бўлишларини айтиб огохлантиринг.  
Уларни чин дилдан, ихлос ва меҳр-  
мухаббат билан даъват килинг.

Ўзингиз уларга олий хулкларда  
намуна бўлинг. Хаммага фойда  
келтиришга ва яхши, эзгу ишларни

килишга шошилинг. Агар шундай килсангиз, Исломга амалингиз ва сўзингиз билан даъват килган бўласиз. Агар Аллох биродарларингизни хидоят килишни хохлаган бўлса, улар тезда сиз даъват килаётган нарсани қабул киладилар, сиз айтаётган нарсанинг ҳақ эканини биладилар ва яқин орада Исломни қабул килиб, севиб қоладилар. Шунингдек, сизга нисбатан ҳам уларнинг калбида мухаббат уйғонади.

Исломга даъват килишда, уни ўргатишда донолик ва хушёрлик керак, ҳар ерда муносиб сўз сўзланг.

Арабларда шундай макол бор: «Хар ўринда (шу ерга хос) бир сўз (бор)».

Аллох таъоло шундай деб мархамат килади: «(Эй Мухаммад), Парвардигорингизнинг йўли – динига донолик, хикмат ва чиройли панд-насихат билан даъват килинг! Улар билан энг гўзал йўлда (услубда) мужодада – мунозара килинг! Албатта Парвардигорингизнинг Ўзи Унинг йўлидан озган кимсаларни жуда яхши билур ва У Зот хидоят топувчи кишиларни ҳам жуда яхши билур». Нахл сураси, 120-оят.

Ислом динини асл манбаларидан тўғри тушуниб олиш учун араб

тилини ўрганиб олсангиз яхши бўлади. Шунда Ислом дини хакида гапирмокчи бўлсангиз, Аллохнинг ва пайгамбар алайхис-саломнинг сўзларини ҳамда Ислом олимларининг сўзларини бевосита тушунган холда гапирасиз. Исломга даъват килмокчи бўлган кишиларингизга, тушунтириш осон бўлиши учун, бу китобчадан совга килинг.

## **Йигирма иккинчи бўлим**

### **Харом килинган нарсалар**

Аллох таъоло бизга Куръонда ва пайгамбарининг суннатида кўп хукмларни буюрди. Улардан фарз-

вожиб нарсалар хам бор, харом нарсалар хам бор.

Фарзларга келсак, уларнинг кўпини ўтган бўлимларда айтиб ўтдик. **Харом килинган нарсаларнинг эса энг мухимлари куйидагилардир:**

### **Биринчи: Харом килинган таомлар.**

1. **Ўлаксалар:** Бу ўринда ўлакса деганда ўзидан-ўзи ўлиб колган, яъни сўйилмасдан ўлган куруклик хайвонлари тушунилади.

Шунингдек, бўгилиб ўлган, баландликдан йикилиб ўлган ва бошка хайвонлар еб ёки сузиб ўлдирган хайвонларнинг гўшти хам

харом. Агар мазкур хайвонларни жони чикмасдан туриб сўйиб олинса, халол бўлади. Ўлаксаларга яна яхудий ва насронийлардан ўзга кофирлар сўйган хайвонлар ҳам киради.

Сув хайвонлари ўзидан-ўзи ўлиш билан харом бўлмайди.

۲. Сўйганда тўкилган кон.

۳. ТўнҒиз гўшти.

۴. Сўйилаётганда Аллохнинг исмидан бошка исм айтиб сўйилган ёки Аллохдан ўзгаларни улуглаш максадида сўйилган хайвонлар ҳам харом томлар жумласидандир.

◦. Шер, бўри каби йирткич хайвонлар ва тирноги билан ов киладиган бургут, лочин каби кушлар гўшти.

Ҷ. Эшшак гўшти.

Ҳ. Нажосат билан озукаланадиган (халол) хайвонлар гўшти. Бундай хайвонлар узок вақт покиза озукалантирилса халол бўлади.

Ў. Нажосат теккан таомлар, имкони бўлса то ювиб тозаланмагунча.

Ғ. Арок ва бошка маст килувчи нарсалар. (Наркотиклар, кора дори ва шу каби маст килувчи ичимлик,

емишлар ва хидласа маст киладиган нарсалар харомдир).

۱۰. Инсон саломатлигига хатарли бўлган, захар ва бошка шунга ўхшаш нарсалар.

### Иккинчи: Харом килинган ишлар.

Улар Аллох ёмон кўрадиган ва шу ишни килувчиларга газаб билан жазо берадиган ишлардир:

۱. Аллохга ширк келтириш.
۲. Ота-онага ок бўлиш.
۳. Нохак одам ўлдириш.

٤. Ёлгон гувоҳлик бериш.

٥. Зино (фоҳишабозлик).

٦. Етимлар молини ноҳак ейиш.

٧. Ўғрилиқ.

٨. Кофирларга қарши жангдан қочиш.

٩. Ифқатли мўмина аёлни ёки мўмин эркекни «фоҳишабоз», деб тухмат қилиш.

١٠. Авратни қишилар олдида очиш. Фақат даволовчи врачга кўрсатиш мумкин, холос. Аврат Исломда қўлланадиган сўз бўлиб, эркек ёки аёлнинг жисмидан беркитилиши

вожиб бўлган муайян қисмга айтилади. Эркақлар аврати киндикдан тиззагача, аёллар аврати икки кафти ва юзидан бошка жисмининг хаммасидир.

۱۱. Кишилар молини пора, тортиб олиш, алдов ва кўзбўямачилик каби нохак йўллар билан ейиш.

۱۲. Кишилар молини нохак ейиш ёки ҳақдор бўлмаган бирор нарсага эришиш мақсадида пора бериш.

۱۳. Мусулмон киши насроний ва яҳудийлардан бошка кофира бўлган аёлларга Исломни қабул қилмагунларича уйланмайди.

١٤. Муслима аёл кофир кимсага, гарчи у яхудий ёки насроний бўлса ҳам, то Исломни қабул қилмагунча турмушга чикмайди.

## Йигирма учинчи бўлим

### Аллохнинг валийлари («Валийюллох»лар)

«Валийюллохлар» деб Аллох уларни яхши кўрадиган ва улар ҳам Аллохни яхши кўрадиган Аллохнинг суюкли бандаларига айтилади. Улар Аллохга иймон келтириб, Унинг буйруқларига мувофиқ юрган солих кишилардир. Уларнинг мукофотлари дунёда гўзал, пок ҳаёт кечириш бўлса, охирада Аллохнинг марҳамат

уйи бўлмиш жаннатда абадий  
неъматларда қолишдир.

Улар ҳам ўлганларидан сўнг ҳеч  
кимга бирор нарсада фойда етказа  
олмайдилар. Хаётларида ҳам барча  
катори оддий сабаблар воситаси  
билангина яхшилик қилишлари  
мумкин. **Улар хақида Аллоҳ таъоло  
шундай деб марҳамат қилади:** «Огоҳ  
бўлингизким, албата Аллоҳнинг  
дўстларига **(охиратда)** бирон хавф-  
хатар йўқдир ва улар гамгин  
бўлмайдилар. **(Улар)** иймон  
келтирган ва Аллоҳдан кўркувчи  
бўлган зотлардир. Улар учун хаёти  
дунёда ҳам, охиратда ҳам хушхабар  
бордир. Аллоҳнинг сўзлари

(оятлари) ўзгартирилмас! Мана шу (мазкур неъматларга эришиш) улуг зафардир». Юнус сураси, ٦٢- ٦٤- оятлар.

Шундай экан, сиз ҳам чин, солих мусулмон бўлинг, улар каторидан ўрин оласиз. Аллох таъоло шундай деб мархамат килади: «Кимда ким Аллох ва пайгамбарга итоат этса, ана ўшалар Аллох инъомларига сазовор бўлган зотлар – пайгамбарлар, хак-рост иймон эгалари, шахидлар ва факат яхши амаллар билан ўтган кишилар билан бирга бўлурлар. Улар эса энг яхши хамрохлардир». Нисо сураси, ٦٩-оят.

Пайгамбарлар хаммалари  
Аллохнинг валийлари дирлар.  
Пайгамбарларга чинакам иймон  
келтирган уларнинг сахобалари хам  
Аллохнинг валийлари дирлар.  
Мухаммад алайхис-саломнинг  
Сахобайи киромлари ва мўминлар  
онаси бўлмиш аёллари хам  
Аллохнинг валийлари  
жумласидандирлар.

Сахобаларнинг энг улуглари ўн  
киши бўлиб, Расулуллох саллаллоху  
алайхи васаллам уларнинг жаннати  
экани хакида хушхабар берганлар.  
Бу сахобалар исломдаги  
пешкадамликлари, сабр-бардошлари

ва фидойиликлари билан яккол ажралиб турадиган шахслардир.

Бу ўн Сахобанинг аввалида Расулуллох саллаллоху алайхи васалламдан кейин мусулмонлар тарафидан ислом давлатига рахбар этиб сайланган тўрт улуг халифалар турадилар. Уларнинг фазилатда ва халифаликда тартиблари куйидагичадир:

1 - Абу Бакр ас-Сиддик разияллоху анху. (1-хиджрий йилда вафот килганлар).

2 - Умар ибн ал-Хаттоб разияллоху анху. (2-хиджрий йилда вафот килганлар).

Ў - Усмон ибн Аффон разияллоху анху. (Ў<sup>о</sup>-хижрий йилда вафот килганлар).

Ў - Али ибн Аби Толиб разияллоху анху. (Ў<sup>о</sup>-хижрий йилда вафот килганлар). Барча сахобалардан Аллох рози бўлсин.

## Йигирма тўртинчи бўлим

### Исломиё одоб-ахлоқлар

Мусулмон ростгўй бўлади, ёлгон гапирмайди.

Мусулмон вафодор, у алдамайди.  
Амонатдор, хиёнат килмайди.

Мусулмон мусулмон биродарини  
гийбат килмайди.

Мусулмон довюракдир, у  
кўркмайди. Хакикат ўринларида  
сабрли, ҳақ сўзни айтишга  
журъатлидир.

Мусулмон ўзгалар ҳақ-  
хуқуқларида инсофли, у ҳеч кимга  
зулм килмайди ва бировлар унга  
зулм қилишига ҳам йўл қўймайди. У  
иззатли, ўзгалар уни хорлашига йўл  
қўймайди.

Мусулмон киши Аллоҳга  
таваккул қилган ҳолда бамаслаҳат  
иш қилади.

Мусулмон ўз ишини пухта,  
мустаҳкам қилади.

Мусумон тавозели, раҳмдил  
бўлади. У яхшиликка буюради ва ўзи  
хам амал қилади, ёмонликдан  
кайтаради ва ўзи хам тарк қилади,  
тийилади.

Мусулмон Аллохнинг сўзини энг  
юксак ўринга кўтариш учун имкони  
борича тиришади ва Аллохнинг  
динини рўёбга чиқариш учун даъват  
қилади.

Муслима аёл маҳрам  
қариндошларидан ўзгалар олдида  
шаръий либосини кийиб юради.  
Шаръий либос юз ва икки қафтдан

бошка хамма аъзоларини ўраб турадиган бўлиши керак.

Мулохаза: Махрам кариндошлар куйидагилардир: Эрлари, оталари, эрларининг оталари – кайноталари, ўгиллари, эрларининг бошка хотиндан бўлган ўгиллари, ўзларининг ога-инилари, ога-инининг ўгиллари – жиянлари, опа-сингилларининг ўгиллари – жиянлари, мусулмон аёллар, кўл остиларидаги чўрилар, аёллардан бехожат бўлиб колган жудаям кекса кишилар, аклсиз девоналар, эркак хизматкор куллар, аёллар авратидан бехабар бўлган гўдаклар.

## Йигирма бешинчи бўлим

### Дуо ва зикрлар

Емокчи ёки ичмокчи бўлсангиз,  
«**Бисмиллах**», денг.

Таомни чап кўл билан эмас, ўнг  
кўл билан тановул килинг.

Еб ёки ичиб бўлсангиз,  
«**Алхамдулиллах**», денг.

Мусулмон биродарингиз билан  
кўл бериб сўрашинг ва очик юз  
билан «**Ассалому алайкум ва  
рохматуллохи ва барокатух**», денг.

Маъноси: Сизга Аллох тарафидан саломатлик, Унинг раҳмати ва магфирати бўлсин.

Агар мусулмон биродарингиз сизга салом берса, унга «**Ва алайкумус салому ва роҳматуллохи ва барокатух**» денг.

## Йигирма олтинчи бўлим

### Муслима аёл

Аёл Ислом динида эркак кишининг ажралмас бўлаги хисобланади. У худди эркак каби Аллохнинг махлукидир. Шунинг учун ҳам уни Ислом динига киришга чакирилган. У ҳам Аллохга иймон келтиришга,

Унга итоат этишга ва Уни севишга буюрилган.

Ундан пайгамбар Мухаммад саллаллоху алайхи васалламни элчи эканликларига иймон келтириши талаб килинади.

Ундан намоз ўқиши, рўза тутиши, закот бериши ва хаж килиши – Аллохга ибодат килиши талаб килинади.

Яна аёлдан – худди эркак кишидан талаб килинганидек – ўз хаётига Ислом шариатларини татбик килиши талаб килинади. Шунингдек, фарзандларини доимий равишда исломий рух билан, эзгулик ва

фазилатлар рухида тарбия килиш аёл кишининг масъулиятидир.

Аёл хукуки ва мажбуриятлари эрлариникига тенг, бироқ бир хил эмас. Шунинг учун у эркакдан баъзи ишларда фарк килади. **Улардан куйидагилар:**

У юзи ва икки кафтидан бошка хамма аъзойибаданини тўсиб турадиган кийим кияди.

Хайз холатида намоз ўқимайди, рўза тутмайди, куръон ўқимайди, масжидга кирмайди.

Хайз ёки нифоси тўхтаса ювинади (**гусл килади**). Ана шу вақтда

тутмаган рўзасининг казосини тутиб беради, лекин ана шу пайтда ўкимаган намозининг казосини ўкимайди.

Жумъа намозига келиши шарт эмас.

Яхудий, насроний ва умуман кофирларга – улар то Исломни чиндан қабул қилиб, эълон қилмагунларича – турмушга чиқмайди.

Оллохдан барчамизни ўзининг тўғри йўлига хидоят қилиши ва хидоятида собит қилишини илтижо қиламиз!

